

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КРЕДИТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Бозоров Анвар Бозор ўғли

Қарши халқаро университети ўқитувчиси

Аннотация. Тижорат банклари фаолиятида кредит операциялари марказий ўринни эгаллайди. Кредитлар орқали банклар иқтисодиётнинг реал секторига молиявий ресурслар йўналтиради, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашади. Шунингдек, кредит фаолияти аҳоли ва бизнес субъектларининг молиявий эҳтиёжларини қондириш орқали иқтисодий фаолликни оширади. Бугунги кунда Ўзбекистонда кредит сиёсати ва унинг самарадорлигини ошириш, рискларни бошқариш ҳамда рақамли кредитлаш тизимини жорий этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Тижорат банкларининг барқарор кредит сиёсати иқтисодиётнинг умумий ривожига, иш ўринларини яратишга ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Шу боис кредитлар тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ва иқтисодий ўсишининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Калит сўзлар: тижорат банклари, банк фаолияти, кредит, кредит операциялари, кредит портфели, кредит сиёсати, кредит рисклари, кредитлаш жараёни, қарз олувчи, фойиз ставкалари, молиявий барқарорлик, ликвидлик, даромадлилик.

Annotation. Credit operations occupy a central place in the activities of commercial banks. Through lending, banks channel financial resources into the real sector of the economy, contributing to the expansion of production, the implementation of new projects, and the development of entrepreneurship. In addition, credit activity stimulates economic growth by meeting the financial needs of individuals and business entities. Today, in Uzbekistan, special attention is being paid to improving credit policy efficiency, managing risks, and introducing digital lending systems. A stable credit policy of commercial banks supports overall economic development, job creation, and an improved standard of living. Therefore, lending serves as a key direction in the activities of commercial banks and an essential source of economic growth.

Keywords: commercial banks, banking activity, credit, credit operations, loan portfolio, credit policy, credit risks, lending process, borrower, interest rates, financial stability, liquidity, profitability, credit resources, capital adequacy, asset management.

Дунё амалиётида мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳоли бандлигини таъминлашда ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тижорат банклари доимо иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминловчи қон томири вазифасини бажарган. Банк операциялари мисолида кўрадиган бўлсак юқоридаги мақсадларга эришишда банклар томонидан энг кўп кредит операцияларифан фойдаланилган.

Лаврушен.О.Ининг фикрига кўра “Ҳозирга замонавий дунёда иқтисодиёт ривожланишининг асосий манбаасини кредитлар ташкил этмоқда, бу асосан

ривожланаётган мамлакатларда кенг фойдаланилади. Шунингдек, банк кредитлари баъзи тарафлар учун фойдали бўлган бўлса, баъзилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарган”³⁰.

Дарҳақиқат, 2025 йил 1 октябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси банкларининг жами активлари 866 825,0 млрд сўмни ташкил этган ҳолда улар таркибида кредитлар 582 211,0 млрд сўмни ёкида 67,2 фоизни ташкил этган.³¹ Бу эса, мамлақтимиз иқтисодиёти ривожланишида банклар асосан ўзининг кредит маҳсулотлари билан иштирок этаётганлигини англатади.

Усоскин В.Мнинг келтириб ўтган хулосасига мувофиқ, “Тижорат банклари бозор иқтисодиётининг муҳим бўғини сифатида намоён бўлади. Уларнинг фаолияти жараёнида

давлатдаги пул айланишининг катта қисмига воситачилик қилади, манбаларнинг шаклланиши содир бўлади;

вақтинча бўшатилган пул маблағларини қайта тақсимлаш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун капитал ажратади;

тижорат банклари капиталнинг миллий иқтисодиётнинг энг кам самарали тармоқларидан энг рақобатбардош тармоқларига оқиб ўтишига кўмаклашади.

Улар вақтинча бўш турган корхоналар, ташкилотлар, аҳоли, давлатнинг пул маблағларини қайтариш шарти билан инвестициялар, янгиликларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуриш, уй-жой қурилиши учун зарур бўлган катта маблағлар сафарбар этишади”³².

Усоскиннинг бқоридаги фикри дунё ва Ўзбекистон банк тизими учун аҳамиятли ҳисобланади. 2018 йил 1 декабрь ҳолатида мамлақатимиз тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларида

35,1

трлн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу эса мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда банкларнинг ўрни беқиёс эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида “Банк сектори молиявий барқарорлигини оширишнинг стратегик мақсадларига эришиш учун кредитлашнинг ўсиш суръатлари мўътадиллигини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш” банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган³³. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш жараёнининг амалий асосларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

³⁰ Лаврушен О. Приоритеты развития кредита в современной экономике. // Банковское дело. -2020.

³¹ <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/2948318/>

³² Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. -М.: Вазар-Ферро, 1994.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

1-расм³⁴



1-расмдан аниқ кўрингайки, мамлакатимиз банклари томонидан 2021-2025 йиллар оралиғида депозит базаси 169,0 фоизга ўсган ҳолда ажртилган кредитлар миқдори 92,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг актив ва пассив операциялари мўътадил ўсиш тенденциясига эга эканлигиндан ва аҳолини ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик соҳаларидаги фаолиятини рағбатлантиришда тижорат банклари иқтисодиётни локомативи эканлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг давлат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли бекиёсдир. Хусусан, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашда банк кредитлари орқали кўмаклашиш, вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб этган ҳолда, уларни тадбиркорлик лаёқатига эга бўлган шахсларга маълум шартлар асосида бериш ва иккала томонга ҳам молиявий наф келтириш, ўз фойдаси ҳисобидан мамлакат учун зарур бўлган ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш, банк кредитлари ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш ва бу орқали мамлакатдаги ишсизлик даражасини

³⁴ Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари асосида ясалди.

пасайтириш ҳамда халқаро савдода пул ўтказмалари орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лаврушен О. Приоритеты развития кредита в современной экономике. // Банковское дело. -2020
2. <https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats/2948318/> Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. -М.: Вазар-Ферро, 1994.
3. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. -М.: Вазар-Ферро, 1994.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
5. Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари асосида ясалди.